

**MAS'ULIYATI
CHEKLANGAN
JAMIYATI**



**LIMITED
LIABILITY
COMPANY**

DEPO-INVEST-TRAST

O'zbekiston Respublikasi 100000 Toshkent sh., Osiyo ko'chasi, 6 uy, 87 xonadon tel./ fax. 150-39-53

2021 йил 28 шондаги
НО26-сонли

**Акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисида
ХУЛОСА**

Акциядорлик жамияти: **“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси**
юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси,
100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 97 А уй;
почта манзили: Ўзбекистон Республикаси,
100011, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 28 А уй;
тел./факс: +998 (71) 239-23-07/236-01-88,
эл.почта: info@uztelecom.uz, www.uztelecom.uz

Мустақил ташкилот: **“DEPO-INVEST-TRAST” масъулияти чекланган жамияти**
Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри,
Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 6-уй, 87-хонадон,
тел.: +998 (78) 150-39-53,
эл.почта: depintra@mail.ru, www.depintra.uz

“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясида (кейинги ўринларда – АЖ) корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш 2020 йил 1 январдан 2020 йил 31 декабргача бўлган давр учун “DEPO-INVEST-TRAST” масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда – Мустақил ташкилот) томонидан АЖ билан 2021 йил 21 июнда тузилган НО26-сонли шартномага асосан амалга оширилди.

Мустақил ташкилот қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси бўлиб, Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази томонидан 2014 йил 4 мартда берилган Инвестиция воситачиси сифатида 1258-сонли, Инвестиция маслаҳатчиси сифатида 1259-сонли ва Инвестиция активларини ишончли бошқарувчиси сифатида 1260-сонли лицензияларга эга.

АЖда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим Маркази томонидан 2016 йил 25 июлда тасдиқланган Саволномага мувофиқ ўтказилди.

Мустақил ташкилот фақат АЖ томонидан тақдим этилган ва қонунчиликда белгиланган тартибда ошкор этилган ҳужжатлар ва маълумотлар асосида АЖда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисида шакллантирилган ўз нуқтаи назарини ифодалаганлик учун жавобгар ҳисобланади.

Тақдим этилган ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда ошкор этилган ҳужжатлар ва маълумотлар тўлиқлиги, мазмуни ва ишончлилиги учун АЖнинг раҳбарияти жавобгардир.

Мустақил ташкилот АЖда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари АЖнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича мустақил фикр билдириш учун етарли асослар беради деб ҳисоблайди.

АЖ корпоратив бошқарувини баҳолашнинг йиғма ЖАДВАЛИ

№	Йўналишлар	Саволлар сони	Эҳтимолий баллар		Ҳақиқий баҳо
			минимум	максимум	
1	Корпоратив бошқарув Кодексини жорий қилишга тайёрланиш ҳолатини баҳолаш	13	-135	135	135
2	Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига амал қилинишини баҳолаш	37	-360	360	245
3	АЖ ташкилий тузилмаси мувофиқлигини баҳолаш	3	-30	30	30
4	Танлов ўтказилишини баҳолаш	5	-45	45	15
5	ХМҲС ва аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ тарзда эълон қилишга ўтишни баҳолаш	3	-50	50	-30
6	Замонавий бошқарув тизимларини жорий қилишни баҳолаш (ISO, ERP, НИОКР ва бошқалар.)	5	-55	55	5
7	Ахборот сиёсатини баҳолаш	5	-170	320	102
8	Молиявий натижаларни баҳолаш	4	-150	150	60
9	АЖ фаолиятининг бошқа йўналишларини баҳолаш	25	-205	55	50
	Жами	100	-1200	1200	612

АЖда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш якуний натижасининг максимал натижага нисбатан фоиздаги кўрсаткичи: **51%**.

ХУЛОСА: Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларига кўра, жами ҳақиқий баҳо 612 балл ёки фоиздаги кўрсаткичи 51% эканлигини ҳисобга олиб, “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси фаолиятининг самарадорлиги **юқори** деб тан олинди.

2020 йил 1 январдан 2020 йил 31 декабргача бўлган давр учун “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясида корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисида Ҳисобот _____ варақда илова қилинади.

Директор



X.A. Usmanov
Х.А.Усманов